

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №114

Учкудук туман.

2022 йил " 15 " ноябрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Учкудук туман Ободонлаштириш бошқармаси Низом асосида иш кўрувчи **Ф ХАСАНОВ** бир томондан ва кейинги ўринларда Пудратчи" деб юритиладиган Учкудук ТЙФУК номидап устав асосида иш кўрувчи Э, Муминов иккинчи томондап бошқарма балансидаги *Учкудук тумандаги Ифтихор МФЙ Қурувчилар кучасини жорий таъмирлаш* ишлари бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1.Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик ишоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархиини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига *Учкудук тумандаги Ифтихор МФЙ Қурувчилар кучасини жорий таъмирлаш* ишлари лойихасида кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 237 182 537 (*Икки юз уштиниз етти миллион бир юз саксон икки минг беш юз уштиниз утти* ) сўми ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қўнайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда қўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, сабаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган кундан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Таплов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан беш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (%) фоизи миқдоридан аванс ўтказиши, бу 71 154 761 сўмни 10 тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу

ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буёртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буёртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буёртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланглик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буёртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва балангликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буёртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буёртмачини ва "Давархитектқурилиш назорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буёртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг тадаби бўйича Пудратчи Буёртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исалган қисmini ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буёртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буёртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тугаш кўча полчасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буёртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтларини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буёртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг шиддан чиқилиши

тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиши тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эгтирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига келтирган вақтга мутавосиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилилишини талаб қилишга ҳақлидир.

### X. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсуллити.

34.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни талабларига сўзсиз амал қиладилар.

35.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

36.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жинойтга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа поконуний йўللар билан пора олишга ундани;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

37.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар, жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки паколатли вакил ушбу рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатли бажарилиши.

38.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сулғий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

39.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бутилиши ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиغان далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

### 10. КАФОЛАТЛАР

35. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лояиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

36. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан беш тўртган такдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишшароит" органилари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжат сўлига муурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

### **37. Буюртмачи:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошлангани Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажарини жадвалга риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати насаийлига олиб келадиган даражада бузилганда;

қопул ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **38. Пудратчи:**

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қопул ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилди, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қончилига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

42. Шартнома бекор қилинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарини, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

43. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қопул ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

44. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон:

• иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қолекенда, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қопул ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошсача жавобгарликка тортилади.

45. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашнинг Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарини қоплашдан озод қилмайди.

46. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асосан равишида бонг тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган суммасини 0.2 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

47. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузишнинг учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдориди пеня тўлайди. Бироқ бу пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 1 фоизи миқдориди пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечиктириш туфайли етказилган зарарларини қоплашдан оқибатда қилмайди.

48. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш метрлари ва қонунларига, шунингдек ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Департамент қурилиш назорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.3 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

49. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур молда назарда тутилган жаъолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бош берилган фойдали инфодаланадиган пеня билан қопламаган зарарларни қоплайди.

50. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан оқибатда қилмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

51. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Иккундун суди томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

52. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзиқмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

53. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли шунингдек ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

54. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

55. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаш керак.

56. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонини ўзига тегишли мол-мулкни қолдира, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини оқибатда қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

57. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонуни ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

58. Мазкур шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилади.

59. Шартнома имзоланиб Ғазначиликдан руйхатдан ўтгандан сўнг қонуни кучга кирди ва амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

**XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

**ПУДРАТЧИ**

**Учкудук ТЙФУК**

Юридик манзил: Учкудук йулчилар 1 уй

х/р 470010860122487045193118001

Банк номи: Марказий банк

Тошкент шаҳар МФО 00014

ИНН 200011280

Х/р 20210000500306384001  
МФО 00 880  
Милли б. б. қ. қ.



М.У.

Юридик хулосас: Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасида қўйилган қонунларига ва норматив ҳужжатларига мос равишда тўғридан-тўғри.

**БУЮРТМАЧИ**

Учкудук Ободонлаштириши бошқармаси

Юридик манзил: Чўл гули кучаси 29-уй

Х/р: 100022860122487045204110002

ИНН: 206 908 433

Банк номи: Марказий Банк Тош, ш.ХККМ

Банк коди (МФО) 00014

Газначилик бўлими Учкудук тумани

ЯГХ: 2340 2000 3001 0000 1010

ИНН 201 122 919

ХХТУТ: 00001



(имзо)

Ф.И.О.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

OX8307428874

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Shartnoma**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uchquduq tumani Obodonlashirish boshqarmasi tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Uchquduq tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



**D.B.RUSTAMOVA**

14.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 171373 на приобретение Учқудуқ тумандаги Ифтихор МФЙ курувчилар кучасини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 08.11.2022

Время рассмотрения 08.11.2022 15:16

Закупочная комиссия Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее - Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XASANOV FARXOD MURATOVICH	бошлик	Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	TILYABOVA FOHAR ABDURASHITOVNA	бош хисобчи уринбосари	Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	QANIYOROV SALIM QORAQULOVICH	бош хисобчи	Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH	йул булими назоратчиси	Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	HAMROYEV JASUR AMRILLOYEVICH	Кукаламзорлаштириш бригадири	Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	BOBQULOV NODIRBEK ZIYADULLAYEVICH	Кукаламзорлаштириш бригадири	Учқудуқ туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.11.2022 года № лота 171373.

Метод оценки предложений - Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95,00 / Весовой коэф. ценовой части: 5,00)

Мин. балл: 100

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
<b>Подробное описание</b>	Учқудуқ туманидаги Ифтихор МФЙ курувчилар кучасини жорий таъмирлаш
<b>Количество товара</b>	1,00
<b>Единица измерения</b>	
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	241 963 697,00
<b>Стартовая сумма</b>	241 963 697,00
<b>Валюта</b>	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2Солик туловларидан кэрзи йууклиги тугрисида ва кандай солик туловчиси тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 2Солик туловларидан кэрзи йууклиги тугрисида ва кандай солик туловчиси тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	20	Экспертная		
NAVOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	20	К-2	20	Экспертная		

Критерий №2 Махсус техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот .

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсус техникалар мавжудлиги тугрисида маълумот .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	18	Экспертная		
NAVOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	20	Техникалар	15	Экспертная		

Критерий №3 1 Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида гувоҳнома ва устав нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: 1 Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида гувоҳнома ва устав нусхалари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	15	15	15	Экспертная		
NAVOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	15	Гувоҳнома ва Низом	15	Экспертная		

Критерий №4 Курилиш вазирлигининг махсус параталидаги рейтинг тугрисида маълумот ва рейтинг талаби С камида булиши лозим .

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш вазирлигининг махсус параталидаги рейтинг тугрисида маълумот ва рейтинг талаби С камида булиши лозим .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	20	Экспертная		
NAVOIY-MELIORASIYA	20	Рейтинг	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс Балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
М Ч Ж						

Критерий №5 9 Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил мuddатга кафолат бериш тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: 9 Кафолат хати ( Бажариладиган ишга эгн камида бир йил мuddатга кафолат бериш тугрисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс Балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	20	Экспертная		
NAVOIU-MELIORASIYA М Ч Ж	20	Кафолат хати	20	Экспертная		

Критерий №6 Ишчи кучи тургисида маълумотлар ( малакали мутахасислар тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи кучи тургисида маълумотлар ( малакали мутахасислар тугрисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	20	Экспертная		
NAVOIU-MELIORASIYA М Ч Ж	20	ишчилар	15	Экспертная		

Критерий №7 бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишлаога хамда элфонда курсатилган ан смета хужжатларига мос равишда булиш лозим .

Тип: Текстовое значение

Описание: бажариладиган ишлар физик хажми маълумот бажариладиган ишлаога хамда элфонда курсатилган ан смета хужжатларига мос равишда булиш лозим .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	20	Экспертная		
NAVOIU-MELIORASIYA М Ч Ж	20	Смета	15	Экспертная		

Критерий №8 Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нухаси .

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдиндан бажарилган ишларидан шартномалвар нухаси.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	20	Экспертная		
NAVOIU-MELIORASIYA M Ч Ж	20	ГОС далолатномаси	15	Экспертная		

Критерий №9 охириги уч йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: охириги уч йиллик банк айланмаси ва Банк реквизитлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	20	20	20	Экспертная		
NAVOIU-MELIORASIYA M Ч Ж	20	Пул айланмаси ва реквизит	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА	241 963 697.00	237 182 537.00 UZS	237 182 537.00	00.00	237 182 537.00	02.11.2022 15:21:12	5
NAVOIU-MELIORASIYA M Ч Ж	241 963 697.00	241 895 094.00 UZS	241 895 094.00	00.00	241 895 094.00	02.11.2022 16:41:41	1 90250

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УЧКУДУК ТУМАНИ ЙУЛ ХУЖАЛИГИ	93.91415	5	98.91415

ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА			
NAVOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	84.14245	4.90259	89.04504

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 171373 от 08.11.2022 года на приобретение Учкудук тумандаги Ифтихор МФЙ курувчилар кучасини жорий таъмирлаш определила победителем:

Учкудук тумани йул хужалиги ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ-ФойДА  
200011280

и резервный исполнитель: NAVOIY-MELIORASIYA M Ч Ж (205779595)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	XASANOV FARXOD MURATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	QANHOROV SALIM QORAQULOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAMROYEV AZAMAT SADULLOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	HAMROYEV JASUR AMRILLOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BOBOQULOV NODIRBEK ZIYADULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП